DOI: 10.36719/2663-4619/63/64-67

Рана Юсупбаевна Мадаминова
Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети
Нукус, Озбекистон
муаллим
ranomadaminova72@gmail.com

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ДИАЛЕКТАЛ АРЕАЛЛАРНИНГ АЙРИМ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Калит сўзлар: *адабий тил, шева, ареал, махаллий тил, қиёсий-тарихий тамойиллар, грамматик шакл, илмий тасниф*

Some lexical features of dialectal zones in Karakalpakstan

Summary

From the above it can be concluded that the influence of regional dialects in one area is an important factor in the development of the lexicon of Uzbek dialects. Such influence and lexical nourishment may be somewhat more intense in Uzbek dialects that are far from the literary center and surrounded by or familiar with other languages. It goes without saying that such connections cannot be made directly between different dialect regions that are far apart in terms of area. Because each or each group of Uzbek dialects has its own unique and appropriate distribution areas for a long time. Part of the peculiarities of the Dialect trail is related to this boundary, their distribution, location - area, which appeared and developed only in this area.

In addition, as a result of observing the dialects of the area, a dialect area may not always be a constant latitude, but may cover a dialect, a village or several villages in the area.

So, we have seen that the Uzbeks living in Karakalpakstan use words and phrases typical of the Kipchak and Yuguz dialects. Dialectal area covers very large areas. In general, it shows that the Turkic peoples are blood relatives and brothers.

Key words: *literary language, dialect, area, local language, comparative historical foundations, grammatical form, scientific classification*

Бугунги кунда миллий тилимиз ва шеваларимизнинг тарихий ва замонавий кўринишларини қиёслаш, уларни аниқлаб, лингвистик атласни яратиш ўзбек диалектологлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Шундай экан, шеваларимизнинг нафақат ҳозирги замонавий кўриниши, балки тарихий илдизлари, тарқалиш ареаллари, қардош ва қардош бўлмаган тиллар билан алоқаларини текшириб баҳс юритади. Ўзбек шеваларини қиёсий-тарихий ва тил ҳодисаларининг тарқалиш чегараларини аниқлаб берувчи ареалларни илмий жиҳатдан текширишни тақозо қилмоқда. Бунинг натижасида махаллий тил ва шеваларнинг фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришлари содир бўлмокда. Диалект ва шеваларга хос лексик хусусияларни қайд килиш, ёзиб олиш лингвистик томонларини қиёсий, қиёсий-тарихий тамойиллар асосида кенгрок ýрганиш, тадқиқ қилиш ýзбек адабий тилининг ривожланиши, тарихини ýрганишда шу тил эгаси бýлган халклар тарихи этнографиясини ýрганишда муҳим амалий ва назарий маълумотлар беради. Қорқалпоғистон ýзбек шевалари қипчоқ ва ýғуз лаҳжасига кирувчи шевалар деб ажратиш мумкин.

Қоракалпоғистон Республикаси ареал жойлашиши жиҳатдан қўшни Туркманистон ва Қозоғистон республикалари билан чегарадош бўлиб, унда тўртта туркий тилли халқлар: қорақалпоклар, ўзбеклар, қозоқлар ва туркманлар бирга яшаб, меҳнат қилиб келмокда.

Қорақалпоғистонда яшайдиган туркий халқларнинг урф-одатлари, маросимлари ва миллий байрамлари, анъаналари бирдек. Ареал жиҳатдан улар ўзбек тилининг ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида сўзлашади. Ўғуз ва қипчоқ лаҳжаларида учрайдиган айрим сўзлар ўзбек адабий тилида учрамайди. Айрим ареалларда учрайдиган шеваларга хос сузлар фонетик ва грамматик шаклларни уз ичига олади. Бундай суз ва грамматик шакллар, асосан, уша ареалдаги шеваларга хос хусусиятлар хисобланади. Масалан: ***гуринг//гуриң*** (ад.тилда ***суҳбат***//***ҳикоя*** маъносида ҳам ишлатилади. ***белчә*** (ад орф. ***белкуракнинг*** кичкина тури//Хýжайли, Тахиатош) ***чәләк, чәкәр*** (форс-тожикча ***челак*** Хýжайли, Тахиатош, Беруний) ***такы:я*** (ад.орф. ***дўппи***//Хýжайли, Тахиатош) ***занги*** (ад. орф. ***нарвон*** //Хýжайли, Тахиатош, Беруний). Бу элементлар турли тилларга оид булиб, ýзбек адабий тилида маъноси ўзгариб учрайди. Аммо ýзбек халқининг оғзаки тилида, шеваларда ýз маънолари билан сақланиб колган. Сўзлар ареал жойлашишига кýра шевалар, маҳаллий ва умумхалк тил хусустияларининг бирлигидан

иборат. Шу сабабли уларни ўрганиш маҳаллий тил хусусияти билан умумхалк тилининг бирлиги ва тадқиқ этиш демакдир. Умумхалк тилга ўхшаш тарзда диалектлар ҳам ўзининг оғзаки ва махсус ёзма шаклига эга. Унинг ёзма шакли, асосан, транскрипция билан ёзиб олинган диалектологик ва фольклор матнларида намоён бўлади.

Синоним сўзлар ҳам шеваларимизда кўплаб учрайди. Ундай сўзлар даврларнинг алмашиниши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан: **она** сўзининг бир канча вариантларини кўришимиз мумкин. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларининг кўпчилигида **апа**, **ава** шаклида ишлатилади. Бу шаклда ишлатилишини Хўжайли, Тахиатош, Беруний, Амударья, Турткул ареалларида кўришимиз мумкин. Бу сўзнинг бугунги адабий тилга яқинроқ шакллари ҳам ишлатилади. Масалан: **ойи**,**ая**, **мама** мана шу шакллари кўплаб ишлатилади. Ареал синоним атамаси остида адабий тилга оид сўзларнинг маъноси бир-бирига яқин бўлган вариантларининг ҳар хил худудларга турли хил шаклда тарқалиши тушунилади. Бу сўзларнинг ҳар қайсиси маълум чегара билан характерланса ҳам, улар маъно жиҳатидан ўзаро синоним ҳисобланади. Маълум географик ареал вакили бу сўзлардан биттасини ишлатгани ҳолда, уларнинг бошка вариантларининг маъносини хам тушунади. Ареал синонимлар ўзбек шевалари жойлашган ҳудудни марказий (Тошкент, Гулистон, Жиззах) шимолий (Туркистон ареали) шевалари, шимолий-шарқий (Фарғона ареаллари), жанубий-шарқий (Бухоро, Самарканд Қашқадарё, Сурхондарё) шимолий-ғарбий (Урганч, Турткул, Тошҳовуз) шимолий-жанубий (Қорақалпоғистон) каби ареалларига ажратиш билан бирга адабий тил ва диалектлар ўртасидаги ўзаро лингвистик таъсир ва муносабатларни белгилашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Диалектларнинг тарихий тараққиёти ва ҳозирги такомиллини ўрганишда диалектлар луғат таркибини ягона тизим шаклида тадқиқ этувчи ареал лексикология (регионал лексикология) муҳим рол ўйнайди. Қадимги сўз ва формалар билан бир каторда шеваларимизда кадимги ибора ҳам ўзининг асл маъноси йўқотган ҳолда бошқа маъно оттенкаси билан сақланиб қолиши мумкин. Хўжайли шевасида **жолға атланмак**, **жолға чиқмақ**, **жолға чиғажақ** иборалари мавжуд. Бу ибора бирор жойга боришга тайёргарлик кўриш маъносида қўлланади. **Масалан**, **Салима жолға атланди.** Ҳозирги ўзбек тилида **отланмоқ** сўзи ўзининг асл маъносида, отни эгарлаб, юганлаб, устига миниб жўнаш маъносида ишлатилади. Хўжайли шевасида эса **атланмақ** сўзидан от иштирокисиз, умуман, бирор ёққа жўнаш маъноси англашилади.

Қорақалпоғистон диалектал ареалини тарихий лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, атроф қушни шеваларининг муносабатини назарда тутиб, кўплаб илмий тасниф ва тавсифларга таяниб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

Қипчоқ лаҳжасига мансуб шевалар гуруҳи:

а) "**й**" ловчилар гуруҳи.**йур (юр)**,**йилон(илон)**,**йип(ип).**

б) "**ж**" ловчилар гуруҳи.

Жур (юр), жол (йўл) жэнга (янга) шуйтип (шундай қилиб) Қипчоқлар ўзбек халқи этногенизининг йирик компонентини ташкил этади. Қипчоклар кўпгина туркий халқлар: қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, туркман, татар, бошқирд, Олтой ва айрим Шимолий Кавказ халқлари: нуғой, кумик, қорачой каби халқларнинг шаклланишида иштирок этган. Ўзбекистон территориясидаги қипчоқлар этник гуруҳларининг аралашиши натижасида аста-секин атрофдаги ўзбеклар таркибига сингиб бормоқда. Қадимги ва эски қипчоқ ёзуви ёдгорликлари бизнинг кунларимизгача сақланган бўлиб, бу ёдгорликлар археологлар, этнографлар ва лингвист туркологлар томонидан чуқур ўрганилмокда.

Қипчоқ тили уғуз, булғор ва қарлуқ тиллари билан бирга туркий тилларнинг ғарбий хунн гуруҳига мансуб. У қарлуқ ва уғуз тиллари ўртасида бўлиб, ўғуз тилларига яқинроқ туради.

Ўзбек тилининг қипчоқ диалект зонаси жуда катта ареалга эга бўлиб, **ж**-ловчи ўзбек уруғ-қабилалар гуруҳидан ташкил топгандир. Қипчок шевалари Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ва Республикадан ташқарида ҳам мавжуд. Шевалар ўз жойлашган ареалларида алоҳида диалектларни эмас, балки диалект зоналарини ва шевалар гуруҳларини ташкил этгани ҳолда ўзбек тили умумқипчоқ ареалининг мос ҳодисаларини ўз ичига олади. Ўзбек тилининг қипчоқ шевалари, асосан XX аср бошларидан бошлаб ўрганила бошлади.

Диалектларни ареал лингвистик ўрганилиши тил тарихи учун ҳам, халқ тарихи учун хам қимматли материал беради. Адабий тилда йўқ бўлиб кетган ёки ўзгариб кетган баъзи бир фонетик, лексик, грамматик формаларининг дастлабки кўринишлари ҳозирги маҳаллий диалектларда ҳамон сақланиб келмоқда. Шунинг учун қадимги ўзбек ёзма ёдгорликларининг айрим томонлари биз учун ноаник бўлса, ҳозирги диалектларнинг хусусиятларини лингвогеографик усул билан ўрганиш оркали уларни аниқлаб олишимиз мумкин. Шуни қайд этиш керакки, диалект манбалари ёзма

ёдгорликларсиз хам ўрганилаверади, лекин ёзма ёдгорликларни тарихий диалектал нуқтаи назаридан диалектларсиз ўрганиб бўлмайди. Баъзи олимлар, масалан акад. А.И.Соболевский ёзма ёдгорликларга катта аҳамият берган бўлса, айрим олимлар акад. А.А.Шахматов жонли шевалар фактларига юқори баҳо берган. Ёзма ёдгорликлар ўтган даврнинг товуш системасини аниқлашда ҳам ҳамма вақт ҳам ишончли материал бўлавермайди. Тарихий грамматика учун энг ишончли ва энг асосий материал олинадиган бош манба – ҳозирги жонли шевалардир, -деган эди А.А.Шахматов. Бу олимлар иккала манбанинг ҳам тил тарихи учун йирик аҳамиятга молик эканлигини инкор этмайдилар. Ҳар бир шеванинг ўзига хос характерли хусусиятлари бўлгани каби Қорақалпоғистон ўзбек шеваларининг ҳам бошқа шевалардан фарқланадиган жуда кўплаб лисоний қирралари мавжудки, унинг лексик қатламида яққол кўзга ташланади. Сўз-терминларнинг қўлланиш даражаси ва англатган маъноларига кўра турфа, ранг-барангдир. Лекин уларнинг барчаси ҳали мукаммал тўпланиб, ўрганилганича йўқ. Шуни назарда тутиб, Қорақалпоғистон ўзбек шеваларининг лексик қатламдаги мавжуд сўзларнинг шакли ва маъносидан келиб чиқиб, сўзларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

1.Фақат шевага хос сўз ва терминлар, қўшма сўз ва бирикмалар: а) адабий тилда учрамайдиган фақат шевага хос сўз-терминлар. **Увуз** – сигир янги болалаганидан кейин икки, уч кунгача соғиб олиниб истеъмол қилинмайдиган сут. Бу сўз Ўзбекистоннинг барча диалект ареалида, ҳатто Қозоғистон Республикасининг ўзбек шеваларида ҳам мавжуд. б) Номемаси адабий тилдаги сўзлардан фарқ қилмасада, лекин шевада бошқа маъно англатувчи сўзлар: **қулақ** – бир ариқдан иккинчи бир ариққа сув олинадиган жой, **ура** – сабзавот сақловчи жой, **супа** – дам олиб ўтирадиган жой.

2.Фонетик қонуниятлар асосида юзага келган лексик бирликлар: қўшма феъл ёки етакчи феъл + кўмакчи феъл типидаги феъл қўшилмаларининг ягона урғу олиб буғин ёки товуш тушиши натижасида бир сўз доирасига келиб колиши: "**й**" ловчиларда **апчиқ (олиб чик), аппар (олиб бор), акит-апкет (олиб кет), таша-атип жибар (ташлаб юбор, отиб юбор).** Адабий тилдаги шаклига нисбатан кучли фонетик ўзгаришга учраган сўзлар: **ийна (игна), жавин-чачин (ёғин-сочин, ёғингарчилик), шуйтип (шундай килиб), атла (сакраб ўтмок), тауип (табиб), жайма (қатлама–қозонда пишириладиган нон тури), палчи (фолбин).**

3.Ўзига хос морфемик структурага эга бўлган сўзлар: Қорақалпоғистон ўзбек шевалари учунгина хос бўлган аффиксларга эга бўлган луғавий бирликлар: **-увчи** аффикси қуйидаги кўринишда ишлатилади**. Олувчи (оладиган), ишловчи (ишлайдиган), борувчи (борадиган).** Адабий тил ва шеваларда ўзак ва ясовчи аффикслар умумий бўлиб, лекин адабий тилда бирикиб ясалмайдиган сўзлар: **бўй+ла (сувга тушишдан олдин сувни бўй билан ўлчаш), қувирма+ч (майда буғдойдан қувириб тайёрланадиган таом).** Қорақалпоғистон ҳудуди қипчоқ шевалари қуйидаги фонетик хусисиятлари билан характерланади: а) контраст жуфт унлиларнинг мавжудлиги ва унинг натижасида сингармонизмнинг сақланиши, яъни ҳозирги қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ тиллари ва бошқа қипчоқ гуруҳига кирадиган туркий тилларига хос бўлган товушларнинг асос ва аффиксал морфемаларида алмашиниши: **похто (пахта), монти (манти), болиқ (балик), баринглар (боринглар)** б) Сўз бошида келган ўрта кўтарилиш унлиларининг дифтонглашуви барча қипчоқ шеваларида бўлгани каби "**ж"** ловчиларда ҳам мавжуд: **йегин (экин), йеки қўли (икки қўли), йегиб бер (экиб бер)**. в) "**ж**" ловчиларда ҳам "**й**" ловчиларда ҳам қисқа-узун унлиларнинг фарқланмаслиги, ундош товушларнинг тушиб колиши сабабли иккинчи даражали узунликнинг мавжудлиги: г) "**ж**" ловчиларда сўз бошида **й** ундошининг **ж** га ўтиши: **жўл (йўл), жур (юр), женга (янга), кўзингди жум (кўзингни юм).** д) "**й**" ловчиларда сўз боши, ўртаси ва охирида **й** ундошининг орттирилиши (пайдо бўлиши**): йип (ип), йилон (илон), райис (раис), сарпой (сарпо).** е) Ҳудуд шеваларида бошқа қипчоқ шеваларида бўлгани каби унлилар орасида **п, қ, к** ундош товушларининг жаранглашиши, сўз бошида **х** ундошининг ортиши, пайдо бўлиши: **ҳайван (айвон), ҳарра (арра).**

Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида қуйидаги ўзига хос морфологик хусисиятларга эга. Қаратқич ва тушум келишиклари аффиксларининг бир хил –**ди, -ти** кўринишида қўлланилиши: **нанди (нонни), китапти кўр (китобни кўр), китаптинг бети (китобнинг бети)**. Компонентлари адабий турда бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар адабий тилда учрамайдиган шевагагина хос бўлган қўшма сўз ва иборалар: **қаланғир-қасанғир (бегано, ҳеч кимга ёқмайдиган одам, қўли чаққон, эпчил-чаққон).** Юқорилардагидан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳудудий ёндош – бир ареалдаги шеваларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири ўзбек шевалари лексикасининг тараққий этишида муҳим омил ҳисобланади. Бундай таъсир ва бир-бирини лексик жиҳатдан озиқлантириш адабий марказдан узок жойлашган ва бошқа тиллар қуршовида бўлган ёки уларга бўлган ёки ёндош жойлашган ўзбек шеваларида бир мунча интенсиврок юз бериши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, ареал жиҳатдан бир-

биридан узоқда бўлган турли диалект ҳудудлари орасида бундай алоқаларнинг бевосита юзага чиқиши мумкин эмас. Чунки ўзбек шеваларининг ҳар бири ёки ҳар бир гуруҳи узоқ даврлардан бери ўзларига хос ва мувофиқ тарқалиш ареалларига эга. Шева ўзига хос хусусиятларининг бир қисми ана шу чегара, уларнинг тарқалиш, жойлашиш ўрни – ареали билан боғлиқ бўлиб, улар шу ареалдагина пайдо бўлган ва ривожланган.

Бундан ташқари мазкур ҳудуд шеваларини кузатиш натижасида бирор шева ареали ҳамиша хам доимий бир кенгликни ташкил этмаслиги, бир шева, бир овул, қишлоқ ёки шу ҳудудда бўлган бир неча қишлоқларни қамраб олиши мумкин.

Хуллас, Қорақалпоғистонда яшовчи ўзбеклар қипчоқ ва ўғуз лаҳжасига хос сўз ва иборалардан фойдаланишини кўриб чиқдик. Шева ареали жуда катта жойларни ўз ичига олади. Умуман, туркий халқларнинг бир-бирига қондош ва қардош эканлигини кўрсатади.

Адабиётлар

1. Х.Данияров “Қипчоқ диалектларнинг лексикаси”. Тошкент, 1979
2. В.В.Решетов. “Ўзбек шеваларининг классификацияси”. Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. 1-сон.
3. А.Ишаев “Ўзбек диалектал лексикографияси”. Тошкент, Фан, 1990
4. Д.Абдурахманов ва Б. “Ўзбек шевалари лексикаси”. Тошкент, Фан, 1991
5. К.Оллоёров “Ареал лингвистика” (Ўқув услубий қўлланма). Тошкент, 2020

Göndərilib: 25.02.2021 Qəbul edilib: 28.02.2021